



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2021-yil 27-avgust / № 35 (4642)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА



Ахмедов Муҳаммад Исмаилович



Анопов Шавкат Абдуллаевич



Фақуров Иброҳим Усмонович



Йўлчиева Муножатхон Абдувалиевна

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини ошириш, Ватанимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги катта хизматлари, сўнги йилларда Янги Ўзбекистонда жадаллик билан олиб борилаётган туб ислохотлар жараёнидаги ташаббускорлиги, давлат ва халқ манфаатлари йўлидаги фидокорона меҳна-

ти, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маънавий соҳалардаги кўп йиллик самарали ва ибратли фаолияти, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун куйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Ахмедов Муҳаммад Исмаилович — Бухоро туманидаги «Маданият Муҳаммад Исмаилов» фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Анопов Шавкат Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Математика институти директори

Фақуров Иброҳим Усмонович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос олим

Йўлчиева Муножатхон Абдувалиевна — Ўзбекистон давлат консерваторияси аънавий ижрочилик кафедраси мудири

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2021 йил 24 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

БОТИР ЗОКИРОВНИ «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг буюк истеъдоди, ноёб ва бетакорр ижоди билан ўзбек эстрада санъатига асос солиб, миллий маданиятимизни ривожлантириш, унинг шон-шухратини дунё халқлари ўртасида кенг тарғиб этишга қўшган беқиёс ҳиссаси, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги унутилмас хизматларини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан халқимизнинг ардоқли фарзанди, буюк санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, марҳум Ботир Каримович Зокиров «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2021 йил 26 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ СОҲАЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёрқин истеъдоди, серқирра ижоди, самарали илмий-амалий фаолияти билан мамлакатимизнинг илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, ёшларимизни она юртга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси
фан арбоби» фахрий унвони

ва санъат мактабининг бахшичилик тўғаридаги раҳбари, бахши, Қашқадарё вилояти

Ахмедов Бабомурот Жураевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институтининг назарий астрофизика бўлими мудири

«Ўзбекистон Республикаси
халқ рассоми» фахрий унвони

Сағдуллаев Шамансур Шахсанович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти директори

Балтабаев Тайир Илясович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрчи рассом

«Ўзбекистон Республикаси
халқ ёзувчиси» фахрий унвони

«Ўзбекистон Республикаси
халқ устаси» фахрий унвони

Каримов Кенес Айтмуратович — Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

Аблакулов Нуъмон Махаммович — Республика «Хунарманд» уюшмаси аъзоси, кулол, Самарқанд вилояти

Султонов Исажон Абдураимович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Нарзуллаев Абдулла Ибодуллаевич — Республика «Хунарманд» уюшмаси аъзоси, кулол, Бухоро вилояти

«Ўзбекистон Республикаси
халқ артисти» фахрий унвони

«Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган артист»
фахрий унвони

Ахмедов Элмурод Ганишерович — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли олий тоифали артист-мақомчиси

Арабов Илёс Исмаилович — Юнус Ражабий номидаги ўзбек миллий музыка санъати институтининг мақом чолғу ижрочилиги кафедраси мудири

Аширалиев Фурқатбек Даврон ўғли — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли олий тоифали артист-мақомчиси

Исроилова Хурият Исмагилова — Қашқадарё вилояти музыкали драма театрининг биринчи тоифали вокал артисти

Пиязов Женисбек Буркитович — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, опера хонандаси

Ташпулатов Хамид Арткибаевич — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиши» фахрий унвони

Шамуротова Моҳичехра Абдинаевна — Юнус Ражабий номидаги ўзбек миллий музыка санъати институтининг мақом хонандалиги кафедраси ўқитувчиси

Ахмедов Бойқўқор Шодиевич — Қарши туманидаги 7-болалар музыка

шарқий унвони

Иброҳим **ФАҲУРОВ**,
Ўзбекистон Қаҳрамони

МУСТАҚИЛЛИК — ЭЪТИҚОДИМИЗ

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони ва у ерда ўзининг ҳам номинини ўқиб, ҳаяжонлар, кечинмалар, инсоний пок тўқилган истеъдодли ижодкорларимизнинг қадрлини, меҳнатларининг юзага чиқарилиши, эл-юрт ичидаги шарафли ўринлари янада юксакларга кўтарилишини, тўғриси, тасаввур ҳам қилмагандик.

Мазкур Фармон Президентимизнинг 2017 йилдаги «Халқимизни ҳар томонлама рози қилайлик» деган шорининг муносиб ва мазмундор давоми, деб биламан. Ўзбекистоннинг дунёдаги илғор ўрни учун ҳаракат қилаётган, интилаётган, бутун куч-қуввати, иродаси, иқтидори ва салоҳиятини шу улғун ишга бераётган одамлар учун бу муносиб тақдирлов, муносиб мукофот бўлди, деб ўйлайман.

Қанчадан-қанча ёзувчиларимизни, шoirларимизни улғулаш, уларнинг ўлмас асарлари-

ни халқимизга етказиш борасида амалга оширилаётган ишларга биз ҳам муносиб жавоб қайтаришга, миллитимиз ва она Ватанимизни юксакларга кўтаришга ҳаракат қиламиз, албатта.

Дўппини бошдан олиб ўйлаб кўрсак, мазкур хайрли ишлар одамларни рози қилиш йўлидаги оддий ва содда иш бўлиб кўринса ҳам, унинг замирида халқимизнинг минг йиллик орзу-ўйлари, кураш ва интилиши мавжуд экани аён.

Хеч шубҳасиз, Янги Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ҳар жиҳатдан ишонч қозонган давлатга, халқимиз эса қаддини тутган халққа, ишонч қозонган жамият ишончли маданият-ижтимоий ҳодисага айланган.

Барча юртдошларимизни мустақиллигимизнинг 30 йиллиги билан қўтлайман. Бу байрам барчамиз учун қадри, юксак қимматга эга бўлган байрамдир. Шу боисдан ҳам уни ҳаммамиз чексиз қувонч, севинч билан дилдан қутиб олмақдамиз. Истиқлол айёми шуқуҳини юракдан ҳис этиб турибмиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар айна эзгу ва ҳаётбахш мақсадларга боғланган. Зотан, халқ рози экан, биз бу мақсадларга яқин йилларда эришамиз. Давлатимизнинг жаҳонда қозонган ишончи ва Мустақиллик бунга кафолат беради. Мустақиллик — муҳаббатимиз, эътиқодимиздир.

Муножат **ЙЎЛЧИЕВА**,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ЮКСАК ИШОНЧ ЮКСАК ИЖОДГА ЧОРАЙДИ

Ким бўлишимиздан, қандай соҳада хизмат қилишимиздан қатъи назар, агар бирор-бир ютуққа эришсак, аввало, халқимиз учун қадрлимиз. Эркалигимизни ҳам халқ кўтаради. Халқимизнинг ҳурматида эришган, эл-юрт ардоқлаган инсон бошқа халқлар кўз унгида ҳам азиз бўлиб қоларкан. Чунки бугун дунёнинг қай гўшасига бормай, иззат-икром билан қутиб оладилар. Шундай пайтларда менга ишонч билдирган халқимдан янада миннатдор бўламан.

Бугун Президентимиз менга ишонч билдириб «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвонга муносиб кўрган эканлар, ана шу ишонч учун Юртбошимиздан, беғубор, баррикент, санъатсоявар халқимиздан миннатдорман. Очиғи, оддий бир ўзбек аёли, санъаткор учун бундан ортқ бахт йўқ, деб ўйлайман.

Бизнинг зиммамизга муҳлислар руҳиятини, маънавиятини бойитиш, халқимизнинг бебаҳо

дурдона мероси бўлмиш мумтоз санъатимизни дунёга танитишдек масъулиятли вазифа юкланган. Ана шу ишончдан ҳаммиша фахрланаман. Бундай фахрни жуда кўп юртларда ижодий сафарда бўлганимда ич-ичимдан ҳис қилганман. Бир сафар Англияда концерт берганимизда, залда қўшиқларни тебраниб тинглаб ўтирган нуронийга кўзим тушиб қолди. Концерт тугагач, таржимон бир одам мени кўрмоқчи эканини айтди. Қарасам, қаршимда бояги нуроний чол турибди. Асли покстонлик бўлган бу одам Англияда яшаркан. Бир неча йил олдин шол бўлиб касалхонага тушиб қолганида, дўстлари менинг қўшиқларим ёзилган дискни келтириб беришди. У, айниқса, «Муножат»ни кўп тингларкан. Ҳамиша Худодан юриб кетиб, мен билан куришишни сўраркан. Ўша куни концертга ўзи юриб келганини кўзда ёш билан айтди.

▶ 5

Исажон **СУЛТОН**,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Мирзиёевнинг мамлакат тараққиётини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» шiori тўла-тўқис ифодалаб беради.

▶ 4

ШУҲРАТИНГ ПОРЛАСИН...

Ҳуррият — халқимизнинг, ота-боболаримизнинг асрий орзуси эди. Бу улғун неъмат, ҳақиқатан ҳам, кишиларимиз бошига кўнган бахт куши бўлди. Мустақиллик деганда кишининг кўз унгида бепоён Ватанимизда умр кечираётган ватандошларимиз сиймолари, бетакорр табиат манзараларини бой тарихимиз баб-баравар жонланади. Бу қутлуг неъмат ўзбек халқига, аввало, ўз миллий давлатини тўхфа қилди, топталган, камситилган ва ўзгартirilган шон-шарафли ўтмишини — тарихий илдиларини танитди. Шу билан бирга, ўзининг бебаҳо қадриятлари, урф-одатлари,

ўзлиги билан дунё халқлари орасида муносиб ўрнини эгаллаш имкониятини тўхфа қилди.

Бугун шу улғун байрамимизга юзланар эканмиз, юртимиздаги жараёнларга илҳом бахш этувчи ва келажакка етакловчи қудрат нимадан иборат эканини мулоҳаза қилишимиз айна фурсати, албатта. Ватанимиз ўз ҳурриятини эълон қилгач, жуда катта муаммоларга дуч келгани кўпчилигининг ёдида. Барча соҳаларда ўргимчак тўри каби империячи давлатга қарам қилиб қўйилган она Ватанимиз тарихий аъналарига эга чиқиши ва муттасил ўзгариб турувчи

дунёда ўз замонавий давлатини барпо этиши керак эди. Бу эса саноат, илм-фан, ишлаб чиқаришнинг илғор соҳаларида мутахассис тақчил бўлган бир пайтда давлатчилик асосларини, қонун ишлаб чиқаришни ва халқ хўжалиги механизмларини яхши биладиган етук кадрларни талаб қиларди. Мустақилликдан кейинги йиллар — мамлакатни қарамликдан қутқариш, ҳаёт томирларини тиклаш, турли-туман соҳа ва тармоқларни жонлантириш даври бўлди, десак муболага бўлмайди.

У даврнинг меҳнат-машаққатларини Ўзбекистон Президенти Шавкат

▶ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGINING UTTIZ YILLIGI MUHOSSABAATI BILAN FAN, TA'ALIM, SOGLIQLI NI SAQLASH, SPORT, ADABIYOT, MADANIYAT, SAN'AT SOHALARI VA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI XODIMLARIDAN BIR GURUHINI MUКОФОТЛАШ TUGRISIDA

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси фахрий унвони

Ахмедов Мухаммад-Али — Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, ёзувчи
Ибрагимов Оқилхон Акбарович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти бўлим мудири
Искандарова Шарифа Мадалиевна — Фарғона давлат университетининг ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, Фарғона вилояти
Исоқов Тулаган Ўлмасович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг фахрийлар билан ишлаш бўлими бошлиғи
Матхаликов Исмоилхон Икромжонович — Республика олимпия захиралари коллежининг гандбол бўйича мураббийси
Ризаев Шухратулла Турсунович — Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари
Сирожиiddин Шухрат Самариддинович — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони

Исомутдинов Зухридин Низамутдинович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос
Мадраимов Абдумажид Абдураимович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Темурийлар тарихи давлат музейи бўлим мудири
Мўминова Зулфия Мардоновна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира
Намуратов Эшбек Кунгирович — Булунгур тумани маданият бўлимига қарашли "Чавқи" фольклор-этнографик халқ ансамбли бадий раҳбари, Самарқанд вилояти
Низанов Муратбай — Қорақалпоғистон Республикаси "Биллим" нашриёти директори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи
Норқўраёв Курбон — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, хайкалтарош

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими фахрий унвони

Курбанов Холтура Абсатович — Сурхондарё вилояти Фтизиатрия ва пульмонология марказининг жарроҳлик бўлими мудири
Тухтаназарова Гулнора Махмаджоновна — Тошкент вилояти психологик ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари иختисослаштирилган болалар уйи бош шифокори

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози фахрий унвони

Эргашев Абдикомил Хасанович — Чирокчи туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби шахмат мураббийси, Қашқадарё вилояти

Халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, адабиёт, санъат, жисмоний тарбия ва спорт соҳалари ҳамда оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари, юртимиз тараққиётини таъминлаш, жамиятда тинчлик ва ижтимоий-маънавий барқарорликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси ҳамда жамоатчилик ишларидаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Ақбаров Хабибулла Асатович — Тошкент давлат техника университети профессори
Аялов Шарипов — Республика Маънавият ва маърифат марказининг Қорақалпоғистон бўлими етакчи мутахассиси
Муминов Теша Хусанович — Ўзбек Миллий академик драма театри актери
Рахимова Мукамбар Хакимовна — "Ўзбекфильм" киноконцерни" давлат унитар корхонасининг дубляж бўлими бадий раҳбари
Сафаров Фаридон Саттарович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри саҳналаштирувчи режиссёри
Усанов Тимурбек — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ион-плазма ва лазер технологиялари институти лаборатория мудири

"Меҳнат шухрати" ордени билан

Абдуқундузов Мухаммадали — Ўзбек Миллий академик драма театри актери
Адилов Баходир Камилевич — "Ўзбекфильм" киноконцерни" давлат унитар корхонаси директори
Азимова Арзу Нишановна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусика назарияси кафедраси профессори
Азимова Шахноз Садиковна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Усимлик моддалари кимёси институти лаборатория мудири
Зиямухамедова Ёдгор Саиджоновна — Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри олий тоифали артисти
Ибодинов Алишер Умарович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, Фарғона вилояти
Исаев Ҳисси — Тошкент ахборот технологиялари университетининг телекоммуникация инжиниринги кафедраси профессори
Исмаилова Шоҳида Гапаровна — Ўзбек Миллий академик драма театри актери
Исмоилов Абдурахим Исроилевич — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати кафедраси профессори
Каримов Рустам Каримович — Ўзбек Миллий академик драма театри актери

Курязов Мансур Шавкатович — Хонқа туманидаги "Жайхун" халқ кўғирчоқ театри режиссёри, Хоразм вилояти
Маждидов Қаҳрамон Халимович — Бухоро муҳандислик-технология институтининг озиқ-овқат технологияси кафедраси профессори
Маматов Фармон Муртозевич — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиғини механизациялаш муҳандислари институтининг Қарши филиали умумтехника фанлари кафедраси профессори, Қашқадарё вилояти
Мансурова Манзураҳон — Кўкон давлат музей-қўриқхонаси директори, Фарғона вилояти
Махмудов Шухрат Мансурович — Ўзбекистон Киноарбоблар ижодий уюшмаси аъзоси, кинорежиссёр
Мухамедов Гафурджан Исраилович — Чирчиқ давлат педагогика институти ректори
Мухиддинов Фатхиддин Фазлиддинович — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бўлим бошлиғи
Нарметов Рўзимбой — Шовот тумани маданият бўлими қoшидаги "Авазхон" фольклор-этнографик халқ ансамбли бадий раҳбари, бахши, Хоразм вилояти
Науменко Татьяна Петровна — Оҳангарон шаҳридаги "Мурувват" ногиронлар учун эркаклар интернат уйи ҳамшираси, Тошкент вилояти
Очилов Эргаш Закирович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими
Пардаев Тўйма — Самарқанд вилояти мусикали драма театри етакчи саҳна устаси
Пирматов Шерзод Турсунович — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг вокал кафедраси профессори
Саидов Сирожиiddин Саломович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси
Узақова Карима Кабуловна — Мукимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театри балетмейстери
Улукова Мухтарам Маматхановна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира
Умарова Фаридахон Жўраевна — Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри актери
Уринбаев Камолддин Турдумуратович — Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори
Холиков Рашид Турғуневич — "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси хонандаси
Шадманов Сулейман Нуруллаевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бош хормейстери
Шуқуров Жўрақул Тилавович — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг миллий қўшиқчилик кафедраси профессори

"Дўстлик" ордени билан

Абдукаримов Абдусаттор — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази бош илмий ходими
Адашев Раджаб Халимович — Ўзбекистон Киноарбоблар ижодий уюшмаси аъзоси, киноактёр
Азизов Тохтамурат Халмаҳметович — эркин ижодкор, бадий сўз устаси
Ашуров Нигмат Рустамович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институти лаборатория мудири
Байбобоев Набижон Гуломович — Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг транспорт логистикаси ва хизматлар соҳаси кафедраси профессори, Наманган вилояти
Бекимметов Умиджан Тажимуратович — Хоразм Маъмун академияси таянч докторанти, Хоразм вилояти
Васильев Наталья Ивановна — Кувасой шаҳар тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникаси шифокор-инфекционисти, Фарғона вилояти
Жуманиязова Гулсара Каражановна — Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат мусикали театри вокал артисти, Қорақалпоғистон Республикаси
Жўраев Зафар Ботирович — Андижон машинасозлик институтининг инновацион таълим технологиялари бўлими профессори, Андижон вилояти
Ибатулина Амина Афрамовна — Ўзбекистон давлат сатира театрининг олий тоифали драма артисти
Исломулов Меманкул — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, таржимон
Исмаилов Гулнорахон Алижоновна — Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази директори
Исраилов Шухрулла Ахмадулович — "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси бадий сўз устаси
Кадиров Батир Раҳманкулович — М.Поманосов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали психология кафедраси профессори
Каримов Шухрилла Хамидиллаевич — Ўзбекистон хоккей федерацияси бош котиби
Каримова Наталья Эрмановна — Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Хитой тарихи, маданияти, сибсати ва иқтисодийи кафедраси профессори
Картаев Анвар Рашидович — Ўзбекистон давлат ёшлар театри актери
Комилов Ровшанжон Раҳимович — "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси хонандаси
Лақаев Саидрахат Норжигитович — Самарқанд давлат университетининг математик физика ва функционал анализ кафедраси мудири
Маринова Мохинисса Улкановна — Поп туманидаги "Мурувват" ногиронлар учун эркаклар интернат уйи директори, Наманган вилояти
Мирзаева Муборак Гайратовна — Тошкент шаҳридаги "Сабо" миллий рақс ансамбли бадий раҳбари
Муродова Саодат Ганиевна — Иштихон туманидаги 3-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси, Самарқанд вилояти
Мустаев Камол Туронович — "Ипак йўли" туризм халқаро университетининг комплекс туризм тадқиқотлари кафедраси доценти, Самарқанд вилояти
Назарова Эльвира Наримановна — Тошкент шаҳридаги Пучон университетининг мактабга таълим кафедраси мудири
Овчинникова Ольга Даниловна — Ўзбекистон давлат академик рус драма театри актери
Олимов Косим — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Физика-техника институти лаборатория мудири
Остонов Равшан Рамазоневич — Қизилтепа туманидаги "Вангози" фольклор-этнографик халқ хаваскорлик жамоаси бадий раҳбари, Навоий вилояти

Отамбетов Оралбай Нажиматдинович — Нукус иختисослаштирилган маданият мактаби ўқитувчиси, бахши, Қорақалпоғистон Республикаси
Отахонов Олим Қобилевич — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржимон
Пазилджанов Жаҳонгир Гайратович — "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси хонандаси
Пахратдинов Ажнания Шарипович — Ўзбекистон давлат филармониясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлимбаси бадий раҳбари
Растринг Вячеслав Васильевич — Спортнинг қишки ва мурраккаб техник турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби триатлон бўйича мураббийси
Раҳматуллаева Ёқутхон Турсунбаевна — Наманган шаҳар маданият бўлимининг "Ер-ёр" фольклор халқ жамоаси бадий раҳбари, Наманган вилояти
Рахимов Хуррам — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг немис тили назарияси ва амалёти кафедраси доценти
Рузиев Чоршам Юлдашевич — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир
Саваतोғли Олег Михайлович — Спорт уйинлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг бадминтон бўйича бош мураббийси
Сағдуллаев Рустам Абдуллаевич — Ўзбекистон Киноарбоблар ижодий уюшмаси аъзоси, киноактёр
Саидов Азиз Джўраевич — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир
Салихова Наталья Владимировна — Ўзбекистон давлат мусикали комедия (оперетта) театри саҳналаштирувчи режиссёри
Саломов Шодмонкул Жумаевич — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир
Суропова Тўхтахон Ибрагимовна — Ўзбекистон давлат драма театри драма артисти
Терегулов Ринат Рашидович — Ўзбекистон давлат филармониясининг Б.Зокиров номидаги эстрада-симфоник оркестри олий тоифали артисти
Умарова Хидоятхон Мўминовна — Республика "Хунарманд" уюшмаси аъзоси, дўппидўз, Фарғона вилояти
Фаязов Қудратилло Садридинович — Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг табиий-математика фанлари кафедраси профессори
Ҳаджаев Аъло Максумович — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси
Халбутаев Надижон Жанузакевич — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари
Ҳамидов Босит Набиевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти лаборатория мудири
Ханимулов Аликул Жўлиевич — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, Сирдарё вилояти
Ҳегай Татьяна Рудольфовна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иммунология ва инсон геномикаси институти лаборатория мудири
Ҳужаев Саидрахмад — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти лаборатория мудири
Цецура Галина Афанасьевна — Нукус шаҳридаги 37-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Чуғанова Гулнора Фозиловна — Нурота туманидаги "Мурувват" ногиронлар учун эркаклар интернат уйи энагаси, Навоий вилояти
Шераев Мамасидик Қамчибоевич — Марғилон шаҳар мусикали мактаб театри олий тоифали драма артисти, Фарғона вилояти
Штерн Владимир Аронович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг фахрийлар кенгаши аъзоси
Эрбутова Углой Сулоновна — Гулистон давлат университетининг Қатагон қурбонлари хотираси музейи директори, Сирдарё вилояти
Юлдашев Бобур Бахадирович — "Дийдор" ёшлар экспериментал театр-студияси" давлат муассасаси бадий раҳбари
Юлдашев Валерий Муратович — Ўзбекистон давлат мусикали комедия (оперетта) театри актери

I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Абдуллаев Фарход Бадалович — Ўзбек Миллий академик драма театри актери
Бобажонов Бобибек Шарипович — Хонқа туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Хоразм вилояти
Мамағиязова Ойиниса — Бўстонлик тумани тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникаси педиатри, Тошкент вилояти

II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Ахмедов Анваржон Хомидович — Спортнинг якка кураш турларига иختисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби олимпия бўйича бош мураббийси
Ахмедов Нурмахамат Холматович — Юнусобод туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри
Бабаханова Наргиза Нусратуллаевна — Республика иختисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг 1-болалар гематология бўлими мудири
Бекбошинова Пердегул Кеулмижаевна — Қораўзак тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими болалар шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси
Ботирова Гулдам Шакирова — Тупроққалъа тумани тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникаси шифокори, Хоразм вилояти
Джалилова Турсун Шарифовна — Булоқбоши туманидаги 21-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси, Андижон вилояти
Дурдиева Раҳимажон — Урганч туманидаги 1-оилавий болалар уйи директори, Хоразм вилояти
Зайлобов Лазиз Турғуневич — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг академик лицейи кимё фани ўқитувчиси
Ибрагимова Мунаввара Ибрагимовна — "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Бухоро вилояти ҳудудий филиали ҳамшираси
Қазақов Аллар Радапович — Қорақалпоқ давлат университетининг жисмоний маданият назарияси ва методикаси кафедраси доценти, Қорақалпоғистон Республикаси

Қарабаев Камалжан — Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг даволаш-профилактика, соғломлаштириш ишларини ташкил этиш бўлими бош мутахассиси
Маманова Умида Илхомжоновна — Тошкент шаҳридаги 21-Меҳрибонлик уйи директори
Маматкулова Насиба Алибаевна — Жарқўрғон туманидаги 12-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти
Маткаримов Топилат Қаршибоевич — Оҳангарон шаҳридаги "Курама" фольклор-этнографик халқ ансамбли раҳбари, Тошкент вилояти
Мирзаева Раҳбар Мамаджановна — Кўкон шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи директори, Фарғона вилояти
Орипова Бибисара — Самарқанд вилояти "Раҳмдиллик" жамияти раҳбари
Холматова Дилфуза Холбобоевна — Сарисоё туманидаги "Мурувват" ногиронлар учун аёллар интернат уйи энагаси, Сурхондарё вилояти
Хусанбоева Лолаҳон Қобуловна — Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати ўқитувчиси
Яфаров Шамил Гасинович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг фахрийлар кенгаши аъзоси

I даражали "Саломатлик" ордени билан

Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович — Академик В.Воҳидов номидаги Республика иختисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази шифокор-трансплантолог
Нарзуллаева Гузал Нормурадовна — Мирзо Улугбек туманидаги 7-оилавий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри
Субханкулов Ислам Субханкулович — меҳнат фахрийси, Жиззах вилояти
Убайдуллаев Ғайбулла — Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали хирургия бўлими мудири, Жиззах вилояти
Шарипова Ирода Пулатовна — Тиббиёт бош бошқармасининг 1-марказий консультатив-диагностика поликлиникаси шифокор-инфекционисти
Эргашев Бердикул Журакулович — Каттакўрғон туманидаги "Эргаш ота" хусусий тиббиёт маркази бош шифокори, Самарқанд вилояти

II даражали "Саломатлик" ордени билан

Абдуллаева Муаттархон Илесовна — Яшнобод тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори, Тошкент шаҳри
Абидов Нодир Шуқурович — Тиббиёт бош бошқармасининг 1-марказий клиник шифохонаси компьютер томография бўлими шифокори
Ахмедов Анвар Михомович — Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг санатор-курортлар бошқармаси бошлиғи
Бобоев Алишер Шуқруллаевич — Китоб туманидаги "Саломатлик академияси" хусусий клиникаси раҳбари, Қашқадарё вилояти
Болтаев Алимардон — Жиззах вилояти онкология диспансерининг хирургия бўлими мудири
Ғафнер Наталья Владимировна — Республика иختисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокор-пульмонологи
Дусанов Джўракул Наралиевич — Зарбдор тумани кўп тармоқли марказий шифохонасининг шифокор-инфекционисти, Жиззах вилояти
Ибадов Равшан Алиевич — Академик В.Воҳидов номидаги Республика иختисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази реанимация ва интенсив терапия бўлими мудири
Мўминов Абдусалим Нуритдинович — Республика иختисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё филиали бўлим мудири
Муминов Қобилжон Нурматович — Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмасининг 13-қишлоқ оилавий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори, Андижон вилояти
Мусинова Сановар Юсуфовна — Тиббиёт бош бошқармаси 2-марказий клиник шифохонаси бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари
Мустафоев Тождин Қурбоневич — Республика иختисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг болалар онкологияси жарроҳлиги бўлими мудири
Насирова Рано Раҳимовна — Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмасининг марказий кўп тармоқли поликлиникаси мудири, Тошкент шаҳри
Рахимова Олима Аминовна — Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг анестезиология ва реанимация бўлими шифокори
Сапаров Қутғиддин Мамарасулович — Хатирчи тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилич тез тиббий ёрдам бўлими мудири, Навоий вилояти
Тоғаев Ражаб Эгамбердиевич — Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг гематология бўлими шифокори
Турдиева Нисо Сайиткуловна — Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиохирургия бўлими шифокор-кардиохирурги
Умаров Аббос Қазимджанович — Шайхонтоҳур туманидаги "Туртинчи стоматологик поликлиника" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри
Урунбаев Сундр Давлатович — Республика иختисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё филиали директори
Хакимов Бегали Бобоқуллович — Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволашга мўлжалланган махсус "2-Зангиота" шифохонаси реанимация бўлими мудири
Хасанов Саидқамрам Аскаревич — Тошкент педиатрия тиббиёт институти оториноларингология кафедраси профессори

"Соғлом турмуш" медали билан

Баймуратова Жамила Абдижаляева — Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича Нукус олий спорт маҳорати мактабининг баскетбол бўйича мураббийси, Қорақалпоғистон Республикаси
Балтабаев Расул Тўхтабаевич — Элиқалъа тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг самбо кураши бўйича мураббийси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGINING ЎTTIZ YILLIGI MUHOSSABATI BILAN FAN, TA'LLIM, SOGLIQLIKNI SAQLASH, SPORT, ADABIYOT, MADANIYAT, SAN'AT SOHALARI VA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI XODIMLARIDAN BIR GURUHINI MUКОФОТЛАШ TUGRISIDA

Давоми, бошланиши 1-2-саҳифаларда

"Шуҳрат" медали билан

Гаюнов Анаркул Сатимбекович — Спортнинг қишки ва мурракб техник турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби тоғ чангиси бўйича мураббийси
Мирзахалов Илхомжон Эркинвич — Чуст туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби услубчиси, Наманган вилояти
Нормуродова Инобат Кодировна — Ўзбекистон Миллий телерадиоканалининг "O'zbekiston" teleradiokanali" давлат муассасаси сийёсий шарҳловчиси
Оленикова Фаина Михайловна — "Бунёдкор" стадиони қошидаги велоспорт тўғрисидаги фахрий аъзоси, Тошкент шаҳри
Пардаева Марҳоба Давлатовна — Республика Маънавият ва маърифат марказининг Бухоро вилояти бўлими раҳбари
Примова Сана Жумиёвона — Урганч олимпия захиралари коллежининг волейбол бўйича мураббийси, Хоразм вилояти
Расулова Миножат Хашимовна — Фаргона туманидаги "Келажак авлод" нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари, Фаргона вилояти
Саидходжаев Собирходжа Султанходжаевич — Фаргона вилояти спорт уйинлари ва ёнгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори
Хакимов Карим — фахрий велоспортчи, Фаргона вилояти
Юлдашева Ирода Салахутдиновна — Сергели туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

"Келажак бунёдкори" медали билан

Аяпов Саламат Бахиевич — Қорақалпоқ давлат университетининг санъат кафедраси мудири, Қорақалпоғистон Республикаси
Қурбонов Бекзод Набиевич — От спорти бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби спортчиси
Мадраҳимова Дилором Алишер қизи — Ўзбекистон давлат филармониясининг "Навбахор" ашула ва рақс ансамбли биринчи тоифали балет артисти
Мелдебеков Ажол Мелдебекевич — Ўзбекистон давлат консерваториясининг астрада хонандалиги кафедраси ўқитувчиси
Пўлатов Лазиз Азамат ўғли — Республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактабининг тазквондо бўйича мураббийси
Раҳманқуллов Сардорбек Усмонович — "Даракчи" газетаси муҳбири
Рўзиохунов Алишер Анвар ўғли — "Ижтимоий-хуқуқий медиа маркази" нодавлат нотижорат ташкилоти муҳаррири, Тошкент шаҳри
Рустамова Дилафруз Исмоилжон қизи — "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси хонандаси
Семеновна Ирина Мурадovна — Шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзоси
Ташкенбаева Сабина Талат қизи — Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўйича спортчиси
Турсунқўжаев Саидакмалхўжа Саидмуродхўжа ўғли — Тошкент шаҳридаги "Yoshlar ijod saroyi" нодавлат нотижорат ташкилотининг "Ешлар миллий ансамбли" бадий раҳбари, доирачи
Умаров Ерқинхўжа Азиз ўғли — Тошкент шаҳридаги марказий маданият саройининг опера студияси бадий раҳбари

Абдиримов Бекзод Муратбаевич — Республика Маънавият ва маърифат марказининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари
Абдуғаппаров Абдупаттах Абдуразақович — Ўзбекистон давлат консерваториясининг вокал ва чолғу ижрочилиги педагогларини тайёрлаш кафедраси мудири
Абдуҷаббаров Ахмадjon Адилжанович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Астрономия институти бош илмий ходими
Абдуллоев Манучеҳ Муродуллоевич — Спортнинг эшак эшиш турлари бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби академик эшак эшиш бўйича катта мураббийси
Абдурахманов Расулбек Юлдашбоевич — Юнус Ражабий номидаги ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг дoston ижрочилиги кафедраси журналисти
Абдурахманова Мехрибон Дустимуратовна — Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетининг ўзбек ва рус тиллари кафедраси мудири
Азизохунов Авазбек Анварбекович — "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси бадий сўз устаси
Альтман Кирилл Заминевич — Тошкент шаҳридаги "Кирилл Альтман" хусусий корхонаси раҳбари, блогер
Аскарлов Зафар Туробович — Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри режиссёри
Бақаров Нормурат Мирзаевич — Термиз ихтисослаштирилган санъат мактабининг халқ чолғулари кафедраси ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти
Бекова Маҳкамтош Купайсиновна — Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси
Бойбаева Нурхон Абдуқадировна — Чуст туманидаги хунарманд-дуплидўз, Наманган вилояти
Бохижанова Муяссар Машрабхоновна — Турақўрғон туманидаги Исҳоқхон Ибрat номидаги ижод мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Наманган вилояти
Гиясова Угулхон Мамашариповна — Наманган шаҳридаги "Саховат" кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйи хўжалик бекаси, Наманган вилояти
Гафуржонова Умида Марибжоновна — Қўрғонтепа туманидаги "Мурувват" ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи энагаси, Андижон вилояти
Дженалиева Роза Шералиевна — Юқори Чирчиқ туманидаги "Балдиран бобе" нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари, Тошкент вилояти
Дўстов Аслиддин Фазлиддинович — Ўзбекистон давлат филармонияси хонандаси
Жаббарова Диларам Мирзамаҳмудовна — Андижон туманидаги 7-мусиқага ихтисослаштирилган мактаб-интернати чанг синфи ўқитувчиси, Андижон вилояти
Жумаев Шоназар Равшанович — Республика "Хунарманд" уюшмаси аъзоси, ёғоч уймакор устаси, Бухоро вилояти
Жуманиязова Гузал Азаматовна — "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси хонандаси
Жўраев Шохжон Шерали ўғли — "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси хонандаси
Зиядов Хуршид Файзуллаевич — Ўзбекистон давлат филармониясининг Сирдарё вилояти бўлими хонандаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАМЛАКАТИМИЗДА МАДАНИЯТ ВА SAN'AT, ADABIYOT, OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI SOHALARINI RIVOJLANTIRISHGA ULKAN HISSA QUSHGAN BIR GURUH MARXUM IJODKORLARINI MUКОФОТЛАШ TUGRISIDA

Ўзининг бетакор ва ёрқин ижодий фаолияти, миллий истиқлол юксалиги садоқати билан Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз маданиятини юксалтириш, жамият ҳаётида эзгулик ва адолат, ватанпарварлик ва бағрикенглик каби қадриятларни қарор топтириш йўлида унутилмас хизмат қилиб, авлодларга қолдирган бой мероси, сермазун ҳаёти ва ибратли инсоний фазилатлари билан эл-юртимиз қалбидан чуқур жой эгаллаган куйидаги марҳум ижодкорлар мукофотлансин:

Уснатдинов Шарап — Қорақалпоғистон Республикаси халқ ёзувчиси
Холмирзаев Шукур — Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси
Худойбердиева Ҳалима Умнатқуловна — Ўзбекистон Республикаси халқ шоири
Худойшукuroв Отажон — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, хонанда
Шарипов Хўсан Ортиқович — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актёр

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан

Абдуваҳобов Абдураим Абдуллахаевич — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, актёр
Бўронов Икромжон — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, хонанда
Жаббаров Жуманиёз — Ўзбекистон Республикаси халқ шоири, драматург, таржимон
Қодиржонова Дилнўра — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, мақом ижрочиси
Матчанов Аманбай (Омон Матжон) — Ўзбекистон Республикаси халқ шоири
Мухторов Омон Сулаймонович — Ўзбекистон Республикаси санъат ароби, шоир, ёзувчи
Отажонов Ортиқ — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, хонанда
Раҳимов Мирзохид Собитович — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, суҳандон
Раҳимов Муҳаммади — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир
Тожибоев Ҳожимурод Шодиевич (Ҳожибой Тожибоев) — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, бадий сўз устаси
Ўтбосаров Абдумўмин Абдумажитович — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, суҳандон

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2021 йил 24 август

КЎЗЛАРИМДАН УЙҚУ ҚОЧДИ

Ўзбекистон давлати ўз мустақиллигининг 30 йиллик шодийнасини зўр қувонч билан нишонлаётган айни пайтда миллий адабиётимиз захматкашлари — бир гуруҳ ижодкорлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида менинг номим ҳам борлигини беҳад мамнунман.
Адабиёт ва уни яратувчи адиблар миллатнинг ҳаёт тарзи ва асослик озуларини бадий сўз ёрдамида ифода қилувчилардир. Шу сабабли, бадий сўз ҳар қандай замонда қадрланган. Мустақиллик туфайли эркинликка эришган бадий адабиёт ва унинг ижодкорлари, айниқса, сўнгги йилларда давлат томонидан, Президентимиз тарафидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланган. Бунинг иттиборини чоп қилиш ва тарқатиш, ёшларимизнинг китоб ўқишини рағбатлантириш бўйича қабул қилинган

қатор тарихий қарорлар ва мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий ислохотларда кўриш мумкин. Янги турар жойларга эга бўлган, яшаш шароитини яхшилаган адибларимиз эса ижодга янги куч, янги ғайрат билан киришиб кетди.
Президентимиз фармони билан менга «Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси» унвони берилгани ҳақидаги хабардан, очини, шу қадар таъсирландимки, кўзларимдан уйқу қочди, тонгача Ватанимиз чексиз сарҳадлари, утмиши ва эртанги кунини, сўнгги ўттиз йил ичида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда амалга оширилган бунёдкорликлар ҳақида уйлارга толдим, янги асарлар ғоялари фикримни банд этди.
Яна бир ҳолат мени хурсанд қилганини таъкидлаб ўтмасам бўлмас. Байрам арафасида давлат мукофотига сазовор бўлганлар сафи

Женисбек ПИЯЗОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти



Ҳар бир инсон орзу билан яшайди. Орузининг амалга ошиши эса, ўзининг ҳаракатига, интилишига боғлиқлигини биллади. Мен ҳам ижодий фаолиятим аввалидаёқ севган санъатимда имкон қадар юқори натижаларга эришиш йўлида изландим. Ҳамиша устозим Софья Анатольевна Цойнинг ишончини оқлашга интилдим. Раҳматли устозим ўқишга кирганимдан бошлаб мени "халқ артисти" деб қақирарди, мен бундан хижолат бўлардим. Яхши ният ижобат бўлади, деганлари тўғри экан.
Кўни-кеча "Ўзбекистон Республикаси халқ артисти" деган юксак фахрий унвонга сазовор бўлганим ҳақидаги хабар мени ҳаяжонга солди. Ростини кутмаганим. Чунки шундай унвонга муносибманми, деган савол мени безовта қиларди. Расмий рўйхат чиққандан сўнг хабарнинг чин эканига ишондим ва шундай хурсанд бўлдимки, бунинг сўз билан таърифлаш мушкул. Мендаги кайфиятни оиламдагилар ҳам сезишди. Чунки табиатан оғир-босиқ одамман. Ҳар бир хабарни сокинлик билан, меърида қабул қиламан. Бу сафар бир томондан осмонларда учиб юришман, яна бир томондан ҳеч ишонгим келмайди. Кетма-кет қўнғирқоқлар, кети узилмас табриқлар...
Президентимиз томонидан шундай юксак унвонга муносиб қилингани маданият, санъат ходимларига ҳуқуқатимизнинг ишонч ва эътибо-

Кенесбой КАРИМОВ Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси



да кўни кеча биз билан елкадош бўлган, аммо орамиздан кетганларнинг исмларини кўриб, кўнглимда Ватанга, Президентимизга чексиз миқнатдорлик туйғуларини жўшурди.
Улуғ байрам ҳаммамизга муборак бўлсин!

ИШОНЧ ҚАНОТ БАҒИШЛАЙДИ

ридан далолат. Бу рағбат бизга куч-қувват бағишлайди. Шунинг айтишим керакки, унвонга муносиб бўлишимизда ота-онамизнинг, устозларимизнинг хизмати катта.
Атрофга назар солиб, ҳозирги кунда давлатимиз томонидан санъат ва маданиятни юксалтириш борасида кенг миқёсдаги ишлар амалга ошириляпти. Биргина Қорақалпоғистон мисолида айтадиган бўлсам, Савицкий музейининг янги биноси очилиши, опера ва бахшлар мактабининг ташкил этилиши катта воқеа бўлди. Давом этаётган бундай хайрли ишлар зиммамизга катта масъулият юқлайди. Ана шу масъулият янги ижодий ютуқларга чорлайди. 2012 йил "Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист" унвонини олганимда, Муслим Магомаев номидаги танловда Гран-прига сазовор бўлдим. 2014 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвонини олганимда қўллаб-қувватловлар ва концертларда қатнашиб, Ўзбекистон маданиятини, санъатини дунёга танитишга ҳисса қўшдим.
Мана бугун муносиб қўрилган унвон ҳам янги ютуқлар сари чорлаши, шубҳасиз. Масалан, ўзбек романслари, ўзбек ариялари, ўзбек мумтоз кўшиқларига бағишланган китоблар, аудио ва видеолар устида ишлаш ниятим бор. Агар амалга оширилган ва оширажак ишларимиздан халқимизга, ёшларга, оз бўлса-да, фойда етса, мақсадимизга эришган бўлашим.

Барча юртдошларимизга улуғ байрамимиз муборак бўлсин. Биз, санъаткорлар ҳаммиша эл-юрт хизматида шаймиз.

“Ислохотлар аҳолининг барча қатламлари манфаатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда: тадбиркорлар ўз бизнесини ривожлантириш учун эркинлик ва янги-янги имкониятларга эга бўлмоқда, деҳқон ва фермерлар, кластер ҳўжаликлари ўзлари етиштирган ҳосилнинг ҳақиқий эгасига айланмоқда. Ҳолбуки, собиқ мустабид тузум даврида “тепа”дан буйруқ бўлмаса, бир қадам босишга ҳам ҳаққимиз йўқ эди. Аҳвол шу даражага етиб борган эдики, уйимизнинг томигача пахта эдик, лекин косамиз оқармади. Мактаб болаларини ҳам пахтага ҳайдадик. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ўз даврида чуқур дард ва изтироб билан “Миллион зғатларга сочилган ўзбек”, деб ёзганидек, юз йил эгилиб пахта тердик.

Яқин-яқингача ҳар йили тахминан 6-7 миллион одам пахта теримига мажбуран сафарбар этиларди. Мана, уч йилдан буён улар бу машаққатдан қутулди...

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсидан (2021 йил 17 август. 165-сон).

МИЛЛИОН АРМОНЛАРИ УШАЛГАН ЎЗБЕК

Юқорида келтирилган иқтибоснинг давоми — кейинги хатбошидан ўқиймиз:
“Афсуски, мамлакатимизда тазлик билан ҳал этиш керак бўлган ўткир муаммолар бошқа соҳаларда ҳам йиғилиб қолган эди. Ҳаммаси жойида, деган кайфият билан уларни билиб-билмаганга, кўриб-кўрмаганга олиб, гафлат уйқусига ботиб юравериб ҳам мумкин эди. Лекин бу ўзимизга, халқимизга, келажакка нисбатан хиёнат бўларди.

Очиқ айтмоқчиман: менинг табиатим бундай сохта ҳаётни мутлақо қабул қилолмайди. Халқимиз менга ишонч билдирди, ана шу юксак ишонччи оқлаш, эл — юртимизга муносиб ҳаёт шариоитини яратиб бериш — мен учун ҳаётимнинг маъно-маъмунидир. Мен миллионлаб инсонларнинг тақдири учун масъулиятни зиммамга олган эканман, ислохотлар борасида бошқача йўл тутишим, ҳаммасини аввалгидек қолдиришим асло мумкин эмас”.

Ҳурматли ўқувчидан шу ўринда ороқ “лирик чекиниш”га изн беришини хоҳлардим.

Президент ҳар доим қатъий тарзда ўз маърузалари, суҳбат ва мулоқотларида, муҳаддис боболаримиз, улуғ алломаларимизу жадидлар ва шоирларимиздан муттасил иқтибосларни келтириши кексаю ёш элдошларимизга ҳамиша марғуб ва маъқул келганки, бу нозик ҳикмат-пешалик давлат раҳбарининг юксак маърифатию халқпарварлигидан далолат беради. Мазкур суҳбатда ҳам ҳазрат Алишер Навоий, Соҳибқирон Амир Темури, Имом Бухорийи бобимиз, устозларимиз Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлардан тасмиллар келтирилган. Ва бу иқтибослар ўз жойида, маврида ва нуқтасига келганда донишмандона ишлатилганлиги билан гоят қадридлир.

Шу ўринда Алишер Навоий бободан узр сўраган ҳолда айтмоқчиманки, суҳбатнинг устозларимизнинг номлари ва сатрлари тилга олинган бандларига келганда, рости гап, ҳаёлимиз алғов-далғов бўлиб, шундай азиз сиймоларнинг бу кунларни кўролмади армонда кетганини уйладим: Ҳолбуки, унча кўп вақт эмас — нари-бериси билан бор-йўғи беш йил аввал бу устозларимиз тирик эдилар. Кечагидек ёдимда: Эркин ака боқий дунёга сафар этган, Абдулла ака тоби йўқ, Америкага муолажага отланаётган паллалар, самолёт кечкурун учадиган кун, биз “Адабиёт ва санъат” газетасини чиқараётган тизги бир пайтда Абдулла ака телефон қилиб қолди. Салом-алиқдан сўнг, газетга буюрган мақола тайёр бўлганини билдирган, сал-пал ҳансираган ҳолатда, бўғиқ товушда шундай деди: “Мен энди бугун учиб кетаман... Тирик қайтаманми, йўқми, бунчи Худо билади. Энди замон мутлақо янги замон бўлади. Шунчи билинганки, эски давр бошқа қайтиб келмайди. Янги давр, янги замон бўлади. Шу янги замоннинг қадрига етинглар, хушёр бўлинглар. Шу замоннинг миёнбарини эҳтиёт қилинглар, пок сақланглар...”

Тамом-вассалом! Бор гап шу. Бир ой-бир ярим ой ўтар-ўтмас, Америкадан дилларни ларзага солган нохуш хабар келди... У пайтлар, ҳозиргидек шарт-шароитлар йўқ, лекин мамлакат Раҳбари сифатида Шавкат Миромонович шахсан ўзлари назоратга олиб, бор халқаро расм-русумлар, қонун-қоидаларни енгиллаштириш ва тезлаштириш чораларини қисқа муддатда амалга ошириш ишларидан тортиб, то устознинг жасадини Ўзбекистонга олиб келгунга қадар, дафн маросимини барча ташкилий ишларга бош-қош бўлгани — кечагидек кўз олдимизда турибди. “Америка — сеҳрли дийр, Ухлар эди Колумб ҳам ҳали, Денгиз ортин ёритди илк бор, Берунийнинг ақл машъали”,

дея қуйлаган миллатнинг улуғ шоири ана шундай “сеҳрли дийр”да мангу уйқуга кетиб, абадий уйқуга чўмганча уммонлар, океанлар оша ўз она Ватанига қайтиб келди.

Орадан ўтган салкам беш йиллик муддатдан кейин ҳозирги кенг ва қўлай имкониятлар даврига кўникиб қолганимиз боис, юқорида келтирилган дардли-аламли манзараларга “Наҳотки шундай бўлган бўлса?” дея ишонгингиз ҳам келмайди. Лекин... Абдулла ака Миллат шоири эди, Ўзбекистон Қаҳрамони, Давлат мадҳиясининг муаллифи эди. Ва шундай шоирни давлат Раҳбари сифатида ҳам, шу халқнинг фарзанди сифатида ҳам Президент юксак қадрлар ва ҳурмат қиларди. Шу юксак эҳтиромга яраша мамлакатда биринчилардан бўлиб устоз номидаги Ижод мактабининг очилишию Адиблар хибобонида хайқали ўрнатилишигача — барча эҳтиромлар бажо келтирилди. Бундай амалий ишлар устоз Эркин Воҳидов ва бошқа марҳум шоир-ёзувчиларимиз хотираси учун ҳам бекамун кўст ўз вақтида адо этилдими, азим пойтахтнинг қоқ марказида Алишер Навоий бобимизнинг қиблага қаратиб ўрнатилган муаззам ёдгорлик мажмуаси мутаносиблигида ўхшаш йўқ яхлит Адиблар хиббони вужудга келди.

Салкам бир аср бошпанасиз, катта идораларнинг қош-қовоғига қараб, ижарма-ижара хору зор, Ватан ичра беватан “номи улуғ — супраси қуруқ” бўлиб келган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг оқ чинидай арқираб турган кўркам биноси ҳам исми жисмига лойиқ ва мундобиб ушбу Адабиёт бўстони ичра барқарор ватани бўлди.

Ёки, яна бир ҳаётий мисолга мурожаат қиладиган бўлсак, Президент, бир пайтлар вилоятнинг биринчи раҳбари сифатида ўзлари ташаббускор бўлиб ташкил этган, юзлаб, минглаб ёш истеъодларнинг орзу-умидларига айланган қолган, қалбларига сурур ва ғурур бағишлаган Республика ёш ижодкорларнинг аънавий Зомин семинар кенгашининг ўз мавқеи ва мақомига қайтарилди — мамлакат ижтимоий-адабий ҳаётида, айнақса, мамлакатнинг кўп сонли ёш ижодкорлари — азиз ука-синглиларимиз юрагида кенг акс-садо берди.

Бу — масаланинг амалий томони. Унинг маърифий-тарбиявий жиҳатлари, айнақса, беқийс. Оқ кабутарлар мисол, вижир-вижир қалдирғочлар янглиқ қатор-қатор ёш истеъодларнинг қувончу севинчларини, Урикли-сой жилғаларидай мавж урган тошқин ва шошқин бир дунё орзу-ҳавасларини кўриб сизнинг ҳам ҳавасингиз келмай иложи йўқ. Адабиёт боғининг бу навнхоллари, эҳ-ҳе, ҳали улғайиб, одам бўлади, юрт сўрайди. Президент катта умид ва ишонч билан қайта-қайта таъкидлагандай, адабиётимизнинг яқин келажакдаги Ойбеклари, Ҳамид Олимжону Зулфиялари, Ибромали Юсуповлар, Тўлепбергелар Каипбергенов билан Эркин Воҳидову Абдулла Ориповлари, насиб этса, мана шу ёш истеъодларнинг тўзмас ва мустаҳкам қаторида камол топаётганлиги шак-шубҳа йўқ. Бу эътибор ва эъозлар илк ҳосилни дастлабки меваларини бераётгани адабий жамоатчиликка ҳам, барча адабиёт мухлисларига ҳам яхши маълу.

Президент мисол келтирган, устозимизнинг бир сатр шеъри атрофида мен нима учун бунча узоқ тўхтадимун нима сабабдан тафсилотларга бу қадар кўп ва кенг ўрин бердим, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Бир замонлар алам ва армон билан “Мулки Ҳинду Маредин келсам топардим эътибор, Шулар эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман...” дея изтироб чеккан Мавлоно Муқимийнинг ва ё Фурқат бобонинг дарду ҳасратлари билан бу жабрдийда зотлардан юз йил кейин яшаган, XXI асрни ҳам кўрган, мустабид тузумнинг ҳам, истиқлол даврининг ҳам дастлабки йигирма-йигирма беш йиллик бор дарду аламларини юрак-юрагидан ўтқизган, “Чекибдур Бобуру Фурқат Ватан ҳажрида афғонлар, Мен эрсам, ваҳ, не ғурбатким, Ватанда беватан бўлдим” дея оху нола қилган устоз Эркин Воҳидов ва ёки “Халқим, мозий ўтди, толе кўрмадинг, Пиширдинг ўзингга бенасиб таом, Кийгиздинг бировга, ўзинг киймадинг, Юлдузни кашф этиб ном олдинг — авом!” дебон фиғони фалакка етган устоз Абдулла Ориповнинг ўтли-армонли сатрлари ўртасида ёки бошқа-бошқа асрлар ва сийсий тузумларда яшаган бу шоирларнинг тирикликдаги аччиқ қисматлари ўртасида бирор-бир фарқ ё ўзга мазмун йўқ, деб ўйлайман. Бу нолакор шеърлар аро буюк бир халқнинг, миллатнинг асрлар бўйи таҳқирланган, хўрланган тақдири тутаб, чинқириб ётибди. Ушбу дарду аламлар силсиласига Ойбек домланинг “...йиллар юрагимда Ватаним...” ёки Миртемир домланинг “Армонли куйчиман...”

“Ўзбекистон тоғларини бедор қутган кўзларим”, “Мажнунтол тагига ўтқазинг мени, Мен учун йилгасин, мен йилга бўлдим”, ёхуд бир замонлар “Оқ олма” китобчаси билан “Онагинам, дорилмомон кунлар келди, шафақлари о” дея оқ-оппоқ орзу ниятлари билан шеър-эпосига бир олам баҳорий нафасларни олиб кирган ўтнафас шоиримиз Ҳалима Худойбердиеванинг “Йиқилган байроқдек кўриланман...” сингари сатрларини кўшиб кўрсангиз, давлат раҳбари ўз суҳбатиде тилга олган “собиқ мустабид тузум” манзаралари беш панжадай аён бўлади, қолади...

Алам қиладигани, истибдод замонида, ўша миллион-миллион зғатлар ичра эгилган миллион-миллион халқ фарзандлари орасида буюк миллатнинг не-не бўлажак Алишерларини Бобурлари безгакка чалиниб умри хору зорликка ўтди. Дунёга икки Буюк Уйғончи даврини берган улуғ ва маърифатли бир элнинг не-не Бухорийлари Термизийлари, қанча-қанча Хоразмийлари Самарқандийлари, не-не жаҳон чемпионларию фазогир оламгир фарзандлари рўшнолик кўрмай, умри-ҳаёти сил бўлган ғўзабарглардай ўша гариб ва нурсиз пайкалларда тақдир-насибалари поймол бўлди.

Болалик манзараларидан бир шеърый иқтибос:

**Ў, пахтазор! Кундалигим ҳали сендадир,
Саводимнинг таржимаи ҳоли сендадир.
Кеч кузгача доскаларда
қолиб кетган сентябрь,
Сентябрь, сентябрь, сен гапир!
Ўн икки минг зғатларда мени ахтариб**

**Қолиб кетди ёзилмаган
мурғак байтларим.
Пахта! Пахта! Бутун фикру
хаёллар — пахта,
Лабимизда қотиб қолган
саволлар — пахта.
Муаллимлар пахта дерди,
шофёрлар — пахта!
Пахта дерди йўллардаги
шиорлар — пахта...
Шунда эди келажак ҳам,
ёзмиш ҳам шунда,
Тақдир деб сўнг бир умрга
нолиш ҳам шунда.
Диёримнинг даҳолари, чемпионлари,
Зукко, оқил арбоблари, билимдонлари.
Шунда эди Худолари она тилимнинг,
Шунда эди паноҳлари куйган элимнинг.
Эҳ қанчаси қолиб кетди пахтазорларда,
Хазон бўлди, сўлиб кетди
пахтазорларда.**

Устозларимиз “Шоирман, бўйнимда шеърнинг гуноҳи” деганларидай, юқоридаги эзгин лавҳаларни мисол келтиришимизнинг боиси — бу бизнинг болалигимиз, миллион-миллион ўзбекларнинг болалиги. Президент қачонки шу маззуни ёдга олиб, “эглиб чигит эдик, эглиб пахта тердик, лекин косамиз оқармади”, дер эканлар, бизнинг қатори авлод кўз ўнгиде келаверида, келаверида...

Президентнинг интервьюси ҳали газетда чоп этилмасдан уч-тўрт кун аввал, августнинг ўн учинчи кунинда Токио олимпиадасида иштирок этган спортчилар ва уларнинг мураббийлари билан бўлган учрашуви, мазкур олиймаком анжуманининг музаффар ва тантанавор руҳи, давлат раҳбарининг нечоғли ғурур ва ифтихор билан ўғил-қизларимизни муборакбод этиб қутлаганлиги, ушбу маросимдаги голибона ва ғурурбахш манзараларнинг юксак тарбиявий аҳамияти шунчалар беқийс ва кенг қамровли бўлдики, бу таассуротларни ҳаяжонланмасдан, кўзларга ёш қалқимасдан шунчаки ифодалаш қийин.

Ўша оқшом миллион-миллион ўзбек хонадонларида ота-оналар, фарзандлару дилбандлар, азиз ўғил-қизларимизнинг қалбиде, кўнглилариде не-не орзу-умидлар уйғонмади дейсиз? Не-не юраклардаги ниятлар, навиб этса, камол толиб, халқимизнинг шаъну шавкати ошам аро бунданам кенгроқ ёйишларига ишонч ва қатъият янада мустаҳкамланди десам, муболага қилмаган бўламан. Бу энди бошқа манзаралар. Бошқа болалик, бошқа — мутлақо янги замон фарзандларининг болалигию, юқорида айтганимиз, Янги замоннинг асал-қанд мевалари — фарзандларимиз, дилбандларимиз. Уларга, уларнинг кўркам қадду қоматларини ғайрат-шижоатига фақат ҳавас қилиш мумкин. Шўроналик билан ҳавас, ҳавас ва яна ҳавас қилиш мумкин. Сурхон воҳасидан Бахтиёр баҳшимиз кўкси оҳанг ва наволарга тўлиб келаркан “Омон, омон, қандингни ур Янги замон...” дея дўмбирасига дам бермайин чертаркан, бу терминнинг кейинги сатрида



Сирожддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири,
“Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби

келадиган уйқаш-қофиядош сўзларни ўзингиз илғаб оласиз деб ўйлайман...

Суҳбат-интервьюнинг муқаддима қисмида ҳазрат Алишер Навоий бобомиздан келтирилган иқтибос, ундаги “Наврўз” — яъни янги, янги кун зиммасига юклатилган умуммиллий — умумбашарий юкнинг қанчалар залворли ва оғирлигини, айна пайтда бедор ва беором қалб, бир миллат Раҳнамосининг орзу-мақсадлари эканини, айна пайтда шу Буюк Бедорликнинг бутун миллатга — салкам ўттиз беш миллионлик Ўзбекистон халқига дахлдорлигию ҳар биримизнинг ҳаёт-мамот, ёинки, ҳаёт-нажот ишимизга айланмоғи бўйича дастурий давлатнома, шоирона ташбех билан айтганда эса, дастурий давлатномадир.

“Тақдор айтаман, — дейдилар Президент, — олдимизда турган ишларнинг барчасини ўзимиз, ўз кучимиз билан қилишимиз керак, ҳеч ким четдан келиб, биз учун биронта муаммони ҳал қилиб бермайди”.

Алишер Навоий бобомизнинг “Ўз вужудинга тафаккур айлагил, Ҳар не истарсен ўзингдин истагил” байтларига қийсан фикрлайдиган бўлсак, Президент зиммасидаги Бурч ва Масъулият залворини ҳар биримиз ўзимизнинг — Ватанимиз, ота-онамиз, ука-синглимиз, туғишган оиламиз, ўғил-қизимизнинг олдидаги Бурч ва Масъулият сифатида қабул қилмоғимиз, қалбимиз, жисму жонимиз, жону жаҳонимиз ила бир умр, бутун умр шу эътиқодга баҳшида бўлиб яшамоғимиз талаб этилаётир...

“Бу ҳаётда нимага, қандай ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси мунис ва меҳрибон оналаримиз туфайлидир. Шунинг учун биз хотин-қизларимиз олдида доимо қарздорлик ҳисси билан яшаймиш. Уларга ҳар қанча меҳр ва эътибор кўрсатсак, арзийди”.

Президент алоҳида меҳр билан тилга олган аёлларимиз, айнақса, оналаримиз олдидаги қарздорлик туйғуси бугун ижтимоий ҳаётимиз, давру замон олдидаги, Ватанимиз, мамлакатимиз миқёсидаги — оддий маҳалладан бошланиб, янги-янги шаҳару қишлоқларимиз, йўллар ва кўприклар, янги-янги иншоот ва мактаблар, билим даргоҳлари тимсолидаги Янги Ўзбекистонимизнинг мазмун ва моҳияти ила бир мужассамликда намоён бўлмоқда.

Бундан бир юзу ўн беш йил аввал ўтган, зулму ситам, дарду аламини ҳам обдон бошдан кечирган маҳзун шоирамиз, Қўқон адабий мухитининг нозиктаб намоёниси бу ёруғ дунёда бор-йўғи ўттиз олти йил умр кўрган биби Анбар Отин шундай башоратли сатрларни ёзиб қолдирган экан:

**Келиб хушуд авлодим,
маним мулким қилур обод,
Бу вайрона дийримда
шаҳарлар айлагай бунёд.
Мулкимизни обод айлаб, шаҳарлар бунёд
этаётган мана шундай хушуд ва шижоатли
авлодлар даври — Янги Ўзбекистон замони
барча замондошларимизга муборак бўлсин,
деймиз.**

“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2021 йил 25 август 171-сонидан олинди.

Давоми, Бошланиши 1-саҳифада

Айна пайтда мустақиллигимизнинг 30 йиллиги нишонланадиган тантанали кунларга тамомла янги гоғлар, мақсадлар, кейинги беш йил ичиде амалга оширилган туб янгиланишлар билан кириб келмоқдамиз. Бошқача айтганда, ўтган йиллар давомида йўл қўйилган хатолар тўзатилиб, нуқсонлар бартараф этилди ҳамда янги юксалиш платформалари тайёрланди. Бу эса Президентимизнинг Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш гоғси билан ҳаммоҳандир.

Халқ орасида юриб, кишилар билан суҳбатлашсангиз, турли қарашларга дуч келасиз. Кишилар ўз ҳаётдан келиб чиққан ҳолда, турмушини қўлайлаштирган бир қанча мисолларни келтиришади. Айтайлик, бир одам мамлакатда бензин тақчиллигидан қийналганини, ёқилгини кўча четидега қўлбола бензинфурушлардан сотиб олишга мажбур бўлганини эслайди. Яна кимдир бандкаги ўз пешона тери эвазига ишлаб топган пулини ололмаганини айтади, супермаркетларда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилаётган одамларга ялиниб, пластик карточкасидаги пулини нақдлаштирганини эсга олади. Яна биров миллий пулимизни валютага конвертация қилиш машаққатларидан, бир вақтнинг ўзида мамлакатда уч хил валюта курси ҳукм сурганидан, кредит олишини мисли қўрилмаган захматлардан гапирди.

Кимдир оддий маълумотнома учун эшикма-эшик сарсон бўлганларидан нолиса, бошқаси олий таълим тизимидаги коррупция балоларидан сўзлайди. Ҳар ким ўз ҳаётида бундай ҳақсизликларнинг бир эмас, бир қанчасига дуч келгани ҳақиқат. Жамиятни демократлаштириш, рақамли хизмат кўрсатишини ривожлантириш, халққа қўлайлиқни таъдим қилиш — атиги беш йил ичиде рўёбга чиққан кўпдан-кўп ишларнинг бешби мисолларидир.

Ўтган беш йил ичиде мамлакатимизда валюта курси тақомиллаштирилди ва хориж билан савдо-сотиқни йўлга қўйган жуда кўп қорхоналар ҳамда тадбиркорлар учун катта муаммо — конвертация масаласи ҳал этилди. Чет эл сармоёси учун маъмурий тўсиқлар йўқ қилинди, иқтисодиётда давлатнинг улуши камайтирилиб, тўлиқ хусусийлаштириш бошланди. Банк сектори, солиқ ва суд-ҳуқуқ тизимининг ислохоти амалга оширилди. Янги бизнес объектилари, замонавий завод-фабрикалар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Коррупцияга қарши кенг қўламли сивасат жорий қилинди. Мажбурий меҳнат бекор қилинди, паспортни рўйхатдан ўтказиш ва хорижга чиқиш қўлайлаштирилди. Қирқдан ортиқ янги, замонавий олий ўқув юртлири очилди, уларнинг умумий сони бир юз йигирмадан ошди. Бир эмас

бир неча университетларга ўқишга кириш имконияти пайдо бўлди. Таълим соҳасига биотехнологиялар, инноватив йўналишлар, СММ, аэрокосмик биямлар каби янги фанлар кириб келди. Сўз, матбуот ва ижод эркинлиги ривожланди. Виждон эркинлиги борасида жуда-катта силжиш рўй берди, гендер тенглиги ҳақида тарихий қонунлар қабул қилинди.

Ҳа, 2016 йилдан бошлаб Ўзбекистон ўз сийсатини тубдан ўзгартирди. Энди у тараққийб ва тақомиллаштириш йўлини сўзсиз танлаган, тубдан ислохотлар амалга оширилаётган янги мамлакатдир.

ШУҲРАТИНГ ПОРЛАСИН...

Бу орада юртимиз кишилари бутун дунёни қамраб олган “кўзга кўринмас ёв” — пандемия балоси билан юзлашди. Мамлакатдаги барча тизимларнинг ўзаро мутаносиб, уйғунликда фаолият кўрсатиши, ўз вақтида қабул қилинган қарорлар ва тадбирлар натижасида инфекция тарқалишининг олдини олиш учун тезкор тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, қисқа вақт мобайнида, дунё мамлакатларида инфекцияни аниқлайдиган ва касалликни даволашда зарур бўладиган восита ва ускуналар тақчиллиги юзага келган маҳалда, юртимизда коронавируси аниқлайдиган тест маъмуалари ва сунъий нафас олдириш қурилмалари

ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, мамлакатнинг энг катта бойлиги бўлмиш инсонлар соғлиғи учун қайғуриш биринчи вазифа ўлароқ белгиланиб, тезкор равишда коронавирусга қарши бир эмас, уч хил вакцина катта миқдорларда олиб келиниши билан бирга, унинг самарадор турларини Ўзбекистонда ишлаб чиқариш учун керакли барча ишлар амалга оширилди.

Давлатимиз мадҳиясидаги чуқур мазмунли “Улуғ халқ кудрати жўш урган замон” деган ҳикматли сўзлар айна бугунимизнинг руҳиятини, ният ва мақсадларини рўй-рост намоён этиб турибди. Мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрамга айна шундай ирода ва ишонч, ёруғ ниятлар, ижод ва яратувчилик завқ-шавқи билан кириб бормоқдамиз ва бундай фазилатлар барча замонлар ва асрларда бизга ёр бўлишига ишончимиз қомилдир.

Улуғ байрамимиз арафасида Президентимизнинг фармонида мувофиқ, менинг “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” деган юксак фахрий унвонга муносиб кўрилишим, очиги, мутлақо қўтилмаган янглик бўлди. Бунчи мён, аввало, давлатимиз раҳбарининг адабиётга, адабиёт аҳлига катта эътибори ва эътирфи деб биламан. Шу маънода, камтарона меҳнатимнинг бундай баҳоланишидан беҳад мамнун бўлган ҳолда, бундан кейин ҳам адабиётимиз ривожини учун бутун куч-ғайратимни аямасдан хизмат қилишга ҳаракат қиламан.

31 АВГУСТ — ҚАТАГОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСINI ЁД ЭТИШ КУНИ

Тошкент вилоятининг Бўстонқў туманида Хумсон деган қишлоқ бор. “Элбек” тахаллуси билан қарийб йигирма йил ижод қилган Машрақ Юнусов 1898 йили шу қишлоқда дунёга келган. Элбек ўз қишлоғини қанчалик севмасин, у тоғ ҳавосини симириган, юлдузлари тоғ чўққилари билан ўпишган масканди узоқ яшамади. Ун уч ёшли бола, бошқа ака-укалари қатори, оғир ва машаққатли турмуш орқасида Хумсонни, ота юртини тарк этиб, туз-насибасини излаб Тошкентга келишга мажбур бўлди. Лекин у ҳам, ака-укалари ҳам 1911 йили Тошкентга кириб келганларида, Тошкент, равшанки, уларни туз-нон билан кутиб олмаган. Замон оғир эди. Ойбекнинг йўлчиси ҳам тахминан шу йилларда қашшоқлашган қишлоғини ташлаб, бой тоғаси Мирзақаримбойнинг уйига нажот излаб келган.

Элбек таржimai ҳолида ҳаётининг шу даврини эслаб ёзган эди: “Мен Тошкент уезди, Искандар волости, Хумсон қишлоғида 1898 йилда камбағал деҳқон оиласида туғилдим. 1905 йилда (7 ёшда) қишлоқ эски мактабига ўқишга кириб ўқидим ва мактабда 4 йил ўқиб, ўқув-ёзувни ўргандим. Отанинг мендан бошқа балалари ҳам бўлгани учун бизни боқа олмасди. 1910 — 11-йилларда жуда қийналдик ва натижада, бошқа ака-укаларим каби мен ҳам уйни ташлашга мажбур бўлдим. 1911 йили Тошкентга келиб, бир кишиникида қарол бўлиб ишладим”.

Наим КАРИМОВ, академик

«ЗЎР МУҲИТНИНГ ДЕНГИЗИДА...»

Элбек кимнинг уйда қарол бўлиб ишлаганини айтмаган. Давом этиб, ёзган:

“Шу вақтда Тошкентда жаҳид мактаблари кўп эди. Буларнинг эски мактаблардан яхшироқ эканини англадим. Узининг қийналишим ва қаролликда калтақлар остида қолишим уй хужайинидан мени қочиб қашшоқлашган Девонбеги маҳалласидаги “Хоний” мактабига ўқишга кирдим.

Ўқишга кириш мени кўп севинтирдим, лекин моддий ёқдан кўп сиқилгандим, анча хафта қиларди, ҳатто киш куналари ялангоёқ қолдим, ётар ер йўқ, баъзан ўртоқларим уйда, кўпинча мактаб хужрасида, эски намат орасида ўралиб ётиб, кишини ўтказдим. Ёзда қишлоққа кетардим. Шаҳарда қолган вақтларимда эса иморат усталарига фиш ташиб, мардикорлик қилардим”.

Элбек илк шеърларидан биридаёқ ўзидан ўзи: “Шеър ва шоирлик нима?” дея сўраб, шу саволга жавоб бераётган, биринчидан, аввал ўтган шоирларни тақдорлашмаслик (“шоирлик... сўз кучиришмас”), иккинчидан, шеърда маъно ва мазмун бўлишига эришиш (“мазмунни расоюмдек чица билиш”), учинчидан, ҳаёт ҳақиқатини ифодалаш (“турмуш лавҳаларини тасвирлаб олиб”) ва, ниҳоят, тўртинчидан, бадиий мақсадга эришиш, жамиятга манзур асар яратишдир (“кўзланган тилакка тезроқ етишди”). Қўрамазмики, у ўз олдига турган мақсад ва вазибаларни жуда яхши билган.

Элбекнинг илк ижоди намуналари тўғрисида сўз борганда, одатда, адабиётшунослар 1922 йили “Чигатой гурун-

ги” ташкилоти томонидан нашр этилган “Ўзбек ёш шоирлари” тўпламини тилга оладилар. Ваҳоланки, Фитрат, Чўлпон ва Боту шеърларидан таркиб топган бу тўпландан аввал, 1921 йилда Элбекнинг “Армуғон” номли биринчи шеърлар тўплами, 1925 йилда эса “Ёлқинлар” деган иккинчи шеърлар тўплами нашр этилган.

Ўзбек тилида шундай сўзлар ва тушунчалар борки, улар инсон қалбидаги

Гоҳ ёнғувчи чироқ каби Кўз олдинда ёнар, учар. Сени эмас, бор кучи-ла Қоронгини севиб кучар.

Бу сўзларда тажассумини топган Тилак — бир кишининг иккинчи бир кишига эҳзор қилган эзгу истаги эмас, балки Омадга ўхшаган кўзи кўр ҳодисадир. Элбек бу шеърда катта ҳаётий тажрибани бошидан кечирган доно кишидек,

энг тоза, энг шаффоф, энг бегубор туйғуларни уйғотиб юборади. Шундай сўзлардан бири “тилак”дир. Элбекнинг “Тилак” деган шеъри “тилак” сўзини кўпроқ қўллагувчиларга бағишланган. “Тилак-тилак — бизнинг юрак; Тилак учун уйнар юрак. Коруқ тилак кимга керак? Тилак учун синсин сиз” сатрлари билан равон “оқа бошлаган” ушбу шеър, қўтилмаганда, катта бир тошга урилгандек, кўкка отилиб, ерга “парчаланиб” тушади:

“Тилак” сўзи улуг сўздир, Тилак юзи икки юздир.

Ажабо, шоир нима демоқчи? Тилак ҳам икки юзли бўладими? Одамзод, ким ва қандай инсон бўлишидан қатъий назар, бирор кишига тилак билдирганида, унга фақат дилидаги энг яхши истакларини айтади ёки йўлайди-ку!.. Лекин ўйлаб қарасангиз, сизга ёки бошқа кишига ёмонликини тилган, сизнинг ёки бошқанинги ўлимини истаб айтилган “тилаклар” ҳам озми бу телба дунёда?! Лекин шеърни ўқишда давом этмас, шоир “тилак” деганда, яхши билак билан бирга ёмон тилакнинг ҳам борлигини эмас, балки бошқа қўйлақ кийган тилакнинг борлигини айтаётган кўрилади. У давом этиб ёзади:

Гоҳ чиройли қизлар каби Беэак ичра жилваланад: Кўп кўзларни телмуртириб, Яқин келмай, қочиб юрад.

Кетган йўлим, тўғри йўлдир, кетаман, Қандай тўсиқ-моне бўлса, утаман. Мен кетаман, тилак дея кетаман, Ҳеч тилаксиз қоруқ танин нетаман?

Орадан бир йил ўтган. 1922 йил 14 майда Элбек ҳам Чўлпон шеърига жавобан “Тилак йўлида” сарлавҳали шеърини ёзади. Шеър бундай сатрлар билан бошланган:

Зўр муҳитнинг денгизиди мен бўкун Ҳеч тўхтамай, олға қараб борамен. Денгиз кўрқинч, қора, тубисиз бўлса-да, Тилак учун кўрқмай уни кечамен...

..Мана, ҳозир мен бу кўрқинч денгизнинг Энг қутурган бир ўрнида турамен: Мунда бир вақт кўп ёзиқсиз бошларнинг Унга чўмуб ўлганини сезамен.

Бироқ булар мени ҳеч бир кўрқитмас, Юрган йўлдан мени кўп-да қайтармас...

Чунким мендай кўп кишилар бу йўлга Бошларини бериб, кўрқмай кирганлар...

“Муҳит денгизи”, Элбек талқинида, эрк ва хуррият йўлида кураш кетаётган макон ва замон. Унда “чўмуб ётган” қанчадан-қанча бошлар — М.Бехбудийдек шу кураш қурбонларининг бошлари. Элбек, тўғривоғи, унинг лирик қаҳрамон шу курашнинг фожиали натижаларидан хабардор бўлса-да, у “кўп кишилар” билан сафдош бўлганлиги учун ҳатто тўпдан отилажақ ўқлар ҳам уни кўрқита ва юрган йўлидан қайтара олмайди. Элбекнинг лирик қаҳрамони шеърда курашчи даражасига, ҳатто курашчиларнинг олдига тушиб, уларга йўл кўрсатадиган “чароғон” даражасига қўтарилади.

Ўтган асрнинг ўттинчи йиллар аввалида Ш.Бадриддинов устидан бўлиб ўтган суд жараёнида журналист Комил Алимов сўзга чиқиб, аксилинқилочилардан бири сифатида Чўлпон номини ҳам тилга олган. Бундан хабар

дийсида бўлмаганман. Мен Тошкентда бўлганман (1919 йилдан 1923 йилгача). Ўзбекча фронт газетасини чиқариш учун Фарғона (Андижон)га босмачилик узил-кесил тугатилган даврда борганман (1923 йил). Мен ТурМИК йўлнамаси ва Туркфронт РВСнинг сафарномаси асосида борганман. “Дархон” фронт газетаси муҳаррири ўр. Тожиев Абдулҳай, мен эса техник муҳаррир ва адабий ходим эдик...

...Ўр. Алимовнинг хотирасида сақланиб қолган шеър менинг шеърим эмас”.


Комил Алимов Чўлпонники деб ўйлаган шеър, аслида, Элбек каламга мансуб бўлиб, “Иштирокион” газетасининг 1920 йил 7 июль сониди босилган. “Қуролга” деб аталган бу шеър бундай алангали сатрлар билан бошланган:

Қурол, оҳ! Қандайин гўзал бир сўз, Ол қўлингга сен уни, эй боқеши! Сен йиқилдинг бугун, заволли йиғит, Сабабин билмас эрсанг, тингла, эшит!

Дунёда борлигини сақлар эсанг, Хор бўлиб тепки ичра қолмас эсанг, Ол шуну қўлга, турма, тездан ол! Шундадир бахт, шундадир иқбол!

Бу Чўлпоннинг “чароғон” дўстларидан бири — Элбекнинг наъравор, исёнкор, истиқлолсевар ватандошларининг жанг майдонига чорловчи шеърларидан. Бундай шеърлар Элбек боситида кўп эмас. Шунга қарамай, бутун умри давомида илм-маърифат масалалари билан шуғулланган, адабиётни ҳам ёш авлоднинг маънавий ва маърифий тарбиясига хизмат қилувчи восита деб билган Элбек “босмачилик”ка қарши кураш баҳонасида Фарғона водийсининг қонга ботирилганини кўриб, тинч тура олган.

Мудҳиш йилнинг 30 август — 7 сентябрь кунларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг IV пленуми бўлиб ўтди. Пленум бошланишидан аввал Ёзувчилар уюшмасида НКВД раҳбарлигида махсус комиссия тузилди. “Уюшмадаги комиссия раиси Шариф Бўлатов, битта кабинетни банд қилиб, қаламқашларни бирма-бир қақчириб, “чиғирик”дан ўтказмоқда эди”. Комил Яшиннинг хотирлашича, “дўст”лар комиссияга чақирилган Элбекнинг обдон “меҳмон қилиб”, Шариф Бўлатовнинг хузурига сархуш ҳолда олиб келганлар ва у комиссия аъзоларининг барча қалтиш саволларига бошини силкитиш билан ижобий “жавоб берган”. Барча сиёсий



айбларни ана шу тарзда “бўйнига олган” Элбек 7 августда НКВД ходимлари томонидан олиб кетилади. Совет давлати шу билангина қаноатланиб қолмай, Элбек яшаган Шаҳрисабз кўчасидаги 43-уйни тортиб олиб, рафиқаси Муборакхон билан ўғли Улугбекни қонли 37-йил кезиб юрган шаҳар кўчаларига ҳайдаб чиқаради.

1937 — 1938-йилларда қатагон қилинган ватандошларимизнинг аксарии жазо муддатини ўташ учун Қолимага юборилган. Улар шу ерда совет давлатининг олтин ва бошқа қонларини фойдаланишга тушириб, катта ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган ашёларни ишлаб чиқариб, ўзларини қулга айлантирган давлатнинг ҳарбий қудратини оширганлар. Элбекни Қолимадан қайси бир бурчиға юборишгани аниқ эмас. Кимдир уни Магаданда кўрганини айтган, кимдир унинг Нагаево кўрфазига юборилгани ҳақида маълумот берган. Яна кимнингдир айтишига қараганда, оғир иш куниди ҳаддан ортиқ ҳолдан тойган Элбек баракка қайтолмай, ўрмонда қолдиришларини айтган ва шу туни қўл-оёқларини совуққа олдириб, ногирон бўлиб қолган...

Шундай фожиали ҳаётни бошидан кечириб, унутилган ёки секин-аста унутилиб бораётган давлат ва жамоат, фан ва маданият, санъат ва адабиёт намояндалари оз эмас. Юқорида айтганимиздек, Элбек, балки улуг шоир эмасдир. Аммо у ўзининг истеъдоди даражасида тинимсиз ишлади, тинимсиз ижод қилди; янги ўзбек адабиётининг шаклланиши ва ривожланишида унинг хизматлари оз эмас. У ўзбек адабиётида замонавий масал жанрига асос солди. Автобиография ҳикоя ва дoston жанрини бошлаб берди. “Тозагул” номли биринчи ўзбек шеърини романини яратди. Ўзбек халқининг руҳий оламини эзгу ва гўзал туйғулар билан бойитувчи шеърлар ёзди. Вафодор эр, меҳрибон ота бўлишининг энг юксак намунасини кўрсатди.

Мен тонгни севаман. Янги Ўзбекистонимизнинг янги тонглари. Биз ўзбеклар бир ишни қилсак, чарчоқ нима билмай бажарамиз. Набирам билан тонгги Тошкентни айланишни одат қилганмиз. Дастлаб кўзимиз йўл усти метро бекатининг қурилишини давом эттираётганларга тушади. Мен уларнинг меҳнатини қониқиш билан кўзатаман. Метро қурувчилари ҳар қандай об-ҳавода ҳам бир маромда ишлашди. Кўнглимдан: “Албатта, шундай меҳнаткаш одамларнинг топган ҳалол нонини еб улғаяётган болалар келажакда юрт юкини елкасига оладиган фидойи инсонлар бўлади”, деган ўй кечади. Шаҳар бўйлаб кезар эканман, тинч-осуда маҳаллаларда сайроқи қушларнинг овози эшитилади.

Янги Ўзбекистоннинг янги масжидлари олдидан тунда ўтиб қолсангиз оёй ёруғида нури эътиқоднинг мангу мустаҳкам қалъасини кўрасиз. Тонгда масжид ҳовлиси йўлаклариди очилган гулу чечакларнинг ўзбек сизга дуолар йўлайди. Мухтарам Юрбощимиз раҳбарлигида қайта қурилган масжидлар тўлиқ ташмирланган, диний маънавият ва маърифатдан сабоқ берувчи илм масканлари: Ўзбекистон халқаро Ислоҳ Академияси, Ислоҳ цивилизацияси маркази эътиқодимизга мангу маърифат зарларини сочувусидир. Юртимиздаги 2088 та масжидда ҳар тонг ўқилаётган дуолар мустажаб бўлиши шубҳасиздир.

Киши кўзини қувонтириб, руҳини шифолайдиган иморатлардан бири бу юртимиздаги олий таълим даргоҳларидир. Тўрт йилдирки, олий таълимда ўрнатилган шаффофлик халқимизнинг кўнглини тоғдек кўтармоқда. Ёшларимиз илм доvonларини ўз ақли иродалари билан забт этаётганини кўрмоқ нақадар завқли. 2016 йилда мактаб битирувчиларининг атиги тўққиз фоизи олий ўқув юртиларига кирган бўлса, бу кўрсаткич бугунги кунда уч баробарга қўлайди. Хориж университетлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган олий таълим ташкилотларида берилган билимлар билан ёшлар ўзимизда ва дунёнинг бошқа мамлакатларида етук кадрлар бўлиб юқори маош олиб ишлаш оладилар. Учунчи Ренессанс эгалари интиллаётган билим қалъалари нақадар муштарам.

Таъкидлаш жоизки, бугун ёшлар таълим олаётган билим даргоҳларидаги илмий кенгашларда докторлик ишони ҳумоа қўлаётган илм эгаларининг 42 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Маълумотларга кўра, бугун юртимизда 3 568 нафар олимпиа аёл бор. Уларнинг 707 нафари фан доктори, 2 412 нафари фан номзоди, 449 нафари

PhD илмий даражасига эга. Турғунлик йилларида, бир йилда бир марта бўладиган иттифоқ миқёсидаги йиғилишга юбориладиган битта пахтакор, сут соғувчи, пиллакор ёки маккажўхори етиштирувчи қора меҳнат соҳибаларининг авлоди бўлган ўзбек олималари эндиликда янги илм чўққиларини забт этишмоқда. 2020 йилда қўйланган 1021 та илмий лойиҳаларнинг 204 тасига олимпиа аёлларимиз раҳбарлик қилишган.

Зулфия МҮМИНОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Янги Ўзбекистоннинг мунаввар тонглари

Олимпиа аёллар орасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари бўлган ола-сингилларимиз ҳам анчагина. Улардан бири филология фанлари номзоди, болалар шоири Кавсар Турдиева. Ҳозир Тошкент педиатрия тиббиёт институтида кафедра мудири бўлиб фаолият юритаётган Кавсархон “Варрак”, “Уйнаяман, уйлаяман”, “Қуш бўлиб учган она”, “Рақамлар бўйлаб саёхат” каби китоблар ва болалар учун ёзилган мультфильмларнинг сценарий муаллифи.

— Бугунги кунда олимпиа ва шоира аёлларимизга яратилаётган гамҳўрликлар мен адабиётга кириб келган даврда бўлганда эди, ҳозир ёшимда юзлаб ҳам олимпиа, ҳам шоира — ўзбек аёллари ва уларнинг саноксиз шоирлари бўлар эди. Биз илмнинг, ижоднинг машаққатли йўлини босиб ўтдик. Уч фарзанд тарбияси, уйсизлик, илмий рисолаларни чоп этишдаги моддий етишмовчиликлар, шеърини қитобларнинг беш йиллаб нашриётларда наъбат қутиши, албатта, аёлдан катта бардош талаб қилар эди, — дейди Кавсар она. Ҳозирда ёш ижодкорларга



Президент томонидан кўрсатилган меҳр нафақат ёшларга, уларнинг Кавсар Турдиевадек устозларига ҳам кўтаринкилик бағишламоқда.

Тошкентнинг табаррук йўллари... Бу йўллардан юраги яраган йўлбарслар — миллат оидинлари: Чўлпон, Авлоний, Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитратлар ўтган. Бу йўллар Абдулла Қодирийнинг сўнги боқишларини кўрган. Бу йўллардан қачон-қачон йурагиди дардларини кўзлари ила сўзлаб Ойбек ўтган. Бу йўллардан Амир Темури ҳақида ҳақиқатни ёзгани учун тўхтаб тошидан эзилган фалсафамиз отаси — академик Иброҳим Муминов ўтган. Ҳа, бу йўллар тавофга лойиқ. Бу шаҳар пойи бош уришга лойиқ.

Тонг чоғида “Адиблар хивони”да болдек ширин ҳаводан нафас олар эканман, кеча оқшом ёш шоирларнинг “Хивон оқшомлари” мушоираси ўтган жойга келиб қолибман. Турфа гуллар ифориини ҳидлаб кеча, ёшларнинг ўғитган шеърларини қайта эслаб мафтун бўлдим. Бу ёшлар жуда истеъдодли ёшлар, бахтли ёшлардир. Яратган омадларни берсин, — дея дуо қилар эканман, атирўл шоҳларидаги янги гунаҳларга кўзим тушади. Опоқ тонгда “Адиблар хивони”даги гулларнинг япроқларида истиқлолнинг янги битикларини кўраман.

Истиқлолимизнинг ўттиз йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбарининг фармониға мувофиқ, менга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони берилганлиги элимиз учун янада катта илҳом билан жўшиб ижод қилишга даъват этишини таъкидламоқчиман. Шубҳасиз, бу эътибор, ижодкорларга кўрсатилётган гамҳўрликлар ҳам мустақиллигимиз шарафатидандир. Шу боис яна тақдор айтаманки, истиқлолимиз абадий бўлсин!

Мустақиллик, хайрият келдинг, Авлиблар ўпган тупроққа. Мустақиллик, жойларни сени Юрагимга — қизил япроққа.

ЮКСАК ИШОНЧ ЮКСАК ИЖОДГА ЧОРЛАЙДИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ахир, санъаткор учун бундан ортиқ бахт борми! Ҳаётимда шунга ўхшаш воқеалар кўп бўлган. Шундай вақтларда менга буюк имкониятлар эшигини очиб берган Ватанимни кўзимга тўтиб қилгим келади. Мендек оддий бир қўшиқчи қизни бошига кўтарайтган халқимдан бир умр миннатдор бўлсам арзийди.

Юксак мукофотга сазовор бўлганимдан бир қувонсам, ўтиб кетган санъаткорларнинг, ижод аҳлининг давлат мукофотлари билан тақдирланганларидан ўн баробар шод бўлдим. Шу вақтга қадар орамиздан кетган санъат аҳлига ва ижод кишиларига бунчалик иззат-иқром бўлмаганди. Илоҳим, барча ўтганларнинг, қолаверса, юрт эътирофига сазовор бўлган эл севган таниқли инсонларнинг руҳлари шод, оқратлари обод

УЮШМА ХАБАРЛАРИ

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган атоқли ёзувчи ва жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ижодий меросининг ёш авлодини Ванга сардоқат, миллий қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялашдаги улкан аҳамиятини инобатга олиб, адиб таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида ёзувчи яшаб ижод қилган хондонга ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

МАНГУЛИККА САКСОНИНЧИ ҚАДАМ

Хотира барельефининг очилиш маросимида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Хуршид Дўстмуҳаммад, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султон, “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири Сирожиддин Рауф, адибнинг рафиқаси Улма Ҳошимова сўзга чиқиб, “Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Президент қарорининг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда адибнинг адабий мероси, инсоний

бўлсин. Бу хайрли иш уларнинг оилалари ва фарзандларига таскин, қалб жароҳатларига малҳам бўлади, деган ниятдаман. Демак, ўтганларнинг юрт учун, халқ учун қилган хизматлари унутилмайди, уларнинг яхши амаллари оилалари ва атрофдагилар учун ибрат вази-фасини ўтайди.

Берилган имкониятдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги билан табриқлайман. Юртимиз тинч, хонадонларимиз обод бўлсин. Санъатимиз, хусусан, мумтоз санъатимиз — мақомларимиз жаҳон узра янги-рашда давом этсин. Ўзим ҳам бу йўлда бор имкониятимни ишга соламан. Устоз ёзувчимиз Саид Аҳмад таъбири билан айтганда, “оҳангга жойланган тафаккур” мевалари бўлмиш мақомларимизнинг умрбоқийлиги йўлида ижодда давом этаман.

ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА ТўХТАЛИБ ўТИШДИ.

— Президент қарорининг ижроси сифатида, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Сайид, — уюшма томонидан бугун мангуликка саксонинчи қадамни қўяётган адибнинг “Танланган асарлар”и ҳамда “Ўткир Ҳошимов замондошлар хотирасида” китоби нашр қилинди. Шунингдек, жорий йилнинг февраль-июнь ойларида Халқ таълими вазирлиги, Президент таълим муассасалари агентлиги, Республика Маънавият-маърифат маркази билан ҳамкорликда “Ўткир Ҳошимов асарлари билимдон” кўрик-танлови ўтказилди. Танловнинг худдий босқичларида голибликни қўлга киритган 23 нафар иштирокчи октябр ойида ўтказиладиган яқини Республика босқичида иштирок этади.

Тадбир сўнгида адибнинг оила аъзоларига Ўткир Ҳошимовнинг янги китоблари тақдим этилиб, ёдгорлик лавҳаси пойига гуллар қўйилди.

булсин. Бу хайрли иш уларнинг оилалари ва фарзандларига таскин, қалб жароҳатларига малҳам бўлади, деган ниятдаман. Демак, ўтганларнинг юрт учун, халқ учун қилган хизматлари унутилмайди, уларнинг яхши амаллари оилалари ва атрофдагилар учун ибрат вази-фасини ўтайди.

Берилган имкониятдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги билан табриқлайман. Юртимиз тинч, хонадонларимиз обод бўлсин. Санъатимиз, хусусан, мумтоз санъатимиз — мақомларимиз жаҳон узра янги-рашда давом этсин. Ўзим ҳам бу йўлда бор имкониятимни ишга соламан. Устоз ёзувчимиз Саид Аҳмад таъбири билан айтганда, “оҳангга жойланган тафаккур” мевалари бўлмиш мақомларимизнинг умрбоқийлиги йўлида ижодда давом этаман.

ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА ТўХТАЛИБ ўТИШДИ.

— Президент қарорининг ижроси сифатида, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Сайид, — уюшма томонидан бугун мангуликка саксонинчи қадамни қўяётган адибнинг “Танланган асарлар”и ҳамда “Ўткир Ҳошимов замондошлар хотирасида” китоби нашр қилинди. Шунингдек, жорий йилнинг февраль-июнь ойларида Халқ таълими вазирлиги, Президент таълим муассасалари агентлиги, Республика Маънавият-маърифат маркази билан ҳамкорликда “Ўткир Ҳошимов асарлари билимдон” кўрик-танлови ўтказилди. Танловнинг худдий босқичларида голибликни қўлга киритган 23 нафар иштирокчи октябр ойида ўтказиладиган яқини Республика босқичида иштирок этади.

Тадбир сўнгида адибнинг оила аъзоларига Ўткир Ҳошимовнинг янги китоблари тақдим этилиб, ёдгорлик лавҳаси пойига гуллар қўйилди.

Зулайхо АҲМАДЖОНОВА

Реклама

QISHLOQQURILISHBANK

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" жамоаси барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги билан самимий муборакбод этади!



30 йил

Байрам муносабати билан

"ЖОЗИБА"

жамиғармали омонатини таклиф этади

21%

Омонат муддати **13 ой**
Йиллик фоиз ставкаси **21%**
Омонат фоиз тўловлари **ҳар ойда**

www.qqb.uz | t.me/qqbank | 78 150 00 55 | 1254 | Хизматлар лицензияланган.

БОЛАЛАР БЕКАТИ

БОЛА БИЛАН КАПАЛАК

Турфа рангли капалак,
Ўшар аэропланга.
Енгил қанот қоқиши,
Дилга ташлар аланга.



Уни кўрган болакай,
Қувиб сира толмайди.
Ловуллайди юзлари,
Ортидан ҳеч қолмайди.

Капалакни тутолмай,
Бола чопар жонҳалак.
Бир-бирига ўхшайди,
Бола билан капалак.

ТОЛЧИВИҚ

Бойчиборим, бойчибор,
Гижинглайсан бунчалар.
Фараз қилиб кўрдингми,
Севишимни қанчалар.

Яқин дўстимсан менинг,
Қадрдоним, Ғиротим.
Кўрсам сени қалбимда,
Жўшар доим ғайратим.

Кўрганлар дейди бизни:
— Қаранг, шамолдек елар.
Учқурликнинг боиси,
Энг синалган дўст улар.

Толчиқиқ бўлмасдан гар,
Бўлганингда чин тулпор.
Эҳтимол бундан кўпроқ,
Топармидинг эйтибор.

ДОВ-ДАРАХТЛАР ЧЎМИЛИШДИ

Кўк юзини тўсди бирдан
Қора булут,
Босиб келгандайин бўлди,
Қора бургут.
Куйиб берди ёмғир шаррос,
Этмай тоқат,
Дов-дарахтлар чўмилишди,
Қилиб роҳат.
Қаерда бог бўлса, ёмғир
Ювиб ўтди,
Майсаларнинг қулогидан,
Тортиб кетди.

Мен ҳаётга кўшилиб оқдим,
Элагиде эланиб қолдим.
Бола ётган беланчагига,
Назаримда беланиб қолдим.

Капалакнинг қанотларига,
Нигоҳларим учирдим қадаб.
Юрагимнинг тўридан атай,
Қалдирғочга ин курдим атаб.

БАЛИҚЛАР ЮТДИ

Кушлар тилин билганимдами,
Мен кушларга айланар эдим.
Дарахтларга ҳавасим келди,
Шохингизга жойланай, дедим.

Олапарнинг тушунмай тилин,
Юрак-бағрим эзилди кетди.
Зумрад янглиғ орзуларимни,
Сувга сочсам, балиқлар ютди.

Хуррам РАИМОВ

**«ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!»
ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ**

Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб **«Сен - қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистон!»** шiori остида она дийримизда амалга оширилётган кенг қўламли ислохотлар, Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлидаги улғувор янгиланишлар, замондошларимизнинг ёрқин сиймолари акс этган, юксак маҳорат билан ёзилган бадий-публицистик мақола, очерк, настрий ва шеърий йўналишдаги энг сара асарлар учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан эълон қилинган **«Ватан учун яшайлик!» IX Республика танлови** якунланди.

Куйдаги ижодкорлар замондошларимизнинг фидокорона меҳнатлари, заҳматкаш халқимиз амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий ҳаёт, маърифат ва маънавият соҳаларидаги

оламшумул ўзгаришлар, китоб мутолааси ва китобхонлик маданияти тарғиботи, юртимиз ободлиги, миллий кадриятларимиз ва ёш авлод қамоли, миллий ғурур ва ифтихор, Ватан туйғуси, Истиқлол ғоялари ҳаётий мисоллар, теран фикр-мулоҳазалар билан тараннум этилган асарлари учун **«Ватан учун яшайлик!» танлови мукофотига сазовор бўлдилар:**

1-ўрин:

Орзиқул Эргашев – «Қалб гавҳари» ҳамда «Юлдузсиз осмон» тўпламлари учун.

2-ўрин:

Хосият Бобомуродова – «Тақийли кунлар» шеърий китоби учун.
Собир Унар – «Кунсулунинг сирли хатлари» ҳикоялар тўплами учун.

3-ўрин:

Мухаммадали Қўшмоқов – «Дам бу дам...» шеърий китоби учун.
Алп Султон (Алпсбай Султонов) – қорақалпоқ тилидаги «Йўқотилмаган узук» ҳикоялар китоби учун.

Меҳрибон Абдураҳмонова – «Мирзачўлнома» публицистик тўплами ҳамда матбуотда эълон қилинган бадий публицистик мақолалари учун.

Рағбатлантирувчи мукофотлар:

Асадулло Шукуров – Эркин Воҳидовнинг «Донишқилоқ хангомалари» тўпламининг тожик тилига таржимаси учун.

Инобат Ибрагимова – ҳарбийлар ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтиришга бағишланган «Келинг, китоб ўқиймиз» руқнидаги туркум мақолалари учун.

Туроб Нисоз – «Орзули дунё» шеърий китоби учун.

Абдулла Айизов – матбуотда эълон қилинган настрий ва бадий публицистик асарлари учун.

Ободон Турдимуродова – «Мухаббат қирғоғи» шеърий китоби учун.

**«НУРЛИ ҚАДАМЛАР»
МЕҲМОНИ**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлимида адабиётшунос Султонмурод Олим билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон халқ шoirи Маҳмуд Тоир, уюшманинг вилоят бўлими қoшидаги «Нурли қадамлар» тўғараги аъзолари ҳамда туманларда ташкил этилган адабий тўғарақлар раҳбарлари иштирок этди.

Олим уюшма бўлими томонидан чоп этилган китоблар ҳақида сўз юритар экан, изланувчан, китобсевар ёшлар орасидан Барот Исроил, Неймат Арслон, Абдулла Шер, Яҳё Тоға каби таниқли ижодкорларга муносиб издошлар етишиб чиқибганини қайд этди. Учрашув қатнашчиларига «Мен офтобга алишмаган аёллар», «Йиллар инъоми», «Оқ тулпор», «Юрак тилсимлари» каби янги китоблар тухфа қилинди.

«Нурли қадамлар» тўғарагига анчадан бунён қатнайман, — деди Зомин семинари иштирокчиси, Отабек Исроилов. — Бу ерда таниқли ижодкорлар, устоз адиблар билан мунтазам учрашувлар ташкил қилинади. Бу ғалғи учрашувдан адабиётимиз ва тарихимизга оид янги маълумотлар олдик.

Наргиза АСАДОВА

Табалғуд кунлар

Орзу Азимова – 27 август – санъатшунослик фанлари доктори, профессор.

Маҳмуд Тоир – 31 август (1952) – Ўзбекистон халқ шoirи.

Виктор Успенский – 31 август (1879-1949) – композитор, Ўзбекистон халқ артисти.

Йўлдош Эшбек – 1 сентябрь (1952) – шoir, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Амиркул Каримов – 2 сентябрь (1960) – шoir, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Дилором Сафонова – 3 сентябрь – Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри актриси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

«Regionlararo mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

«Regionlararo mulk markazi» МЧЖ томонидан ташкил этилган аукцион савдоларига «Хумсон sanatoriysi» ДУК нинг 2021 йил 21 августдаги 104-сонли буортномасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Хумсон МФЙ, «Хумсон санаторияси» ДУК ҳудудиде сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қуйилмоқда:

1. «ГАЗ-52» русумли давлат рақами 10/477 КАА бўлган 1981 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси – 24 129 878 сўм.

2. «ММЗ-4502» русумли давлат рақами 10/502 LAA бўлган 1991 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси – 55 340 591 сўм.

Аукцион савдоси 2021 йил 27 сентябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани, Тўртарик кўчаси 11/2-уй манзилида бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати 2021 йил 24 сентябрь куни соат 16:00 да тўхтатади. Автотранспорт воситаси 2021 йил 27 сентябрь куни сотилмаган тақдирда тақрорий савдолар 2021 йил 4, 11, 18 октябрь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Тақрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати савдо бўлишидан бир кун аввал соат 16:00 да тўхтатади.

Эълон

М.Ю.ЛЕРМОНТОВ

Инсон қанчалик жамиятдан йироқлашиб, табиатга яқинлашгани сари шунчалик бола бўлиб боради.

М.Ю.ЛЕРМОНТОВ

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нуسخаси, вакиллар учун ишоннома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувиға асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «ХАТБ <<DAVR-BANK>> Олмазор филиали х/р: 22604000505265882001 МФО: 01121, СТИР: 307638956 ўтказишлари лозим. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Тўртарик кўчаси, 11/2-уй. 95 195-12-21; 95 199-12-21.

Гувоҳнома №.880847

**Ўzbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ**

Бош муҳаррир
САЛИМ АШУРОВ

Хамқоримиз:
imgo akfa

Ташхириятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайдиган ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри ташхирият нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Салфаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентни Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1207. Буортма Г - 844.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрасткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

**ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ**

Сотувада нархи эркин.

«Шарк» нашриёт-мағбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босиниға топшириш вақти - 21.00.
Босиниға топширилиди - 23.00.

ISSN 2181-614X

7 7 2 1 8 1 4 1 4 0 0 0